

**СУВ УЗАТИШ ТАРМОГИДА РЎЙ БЕРИШИ  
МУМКИН БЎЛГАН АВАРИЯ ХОЛАТЛАРИ, УЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Рустамова Мухлиса Мухторалиена**  
Фарғона политехника институти

**АННОТАЦИЯ**

Андижон-Фарғона сув узатиш тармоғи барпо қилингач, ундан узоқ муддат фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга, унинг ишлаб чиқариш кувватларидан тўлиқ фойдаланишга, бир сўз билан айтганда лойиҳада кўзда тутилган мақсадга эришиш учун тармоққа хизмат кўрсатиш тизимини талаб даражасида ташкиллаш зарур. Бу хизмат таркибиға қуйидагилар киради.

**Калит сўзлар:** авария, сув узатиш тармоғи, қудуқ, минералогик таркиб.

Андижон-Фарғона сув узатиш тармоғидан фойдаланиш даврида авария холатларига йўл қўймаслик зарур. Чунки бундай холатлар юзага келса, тармоқдан оқиб келаётган сув ернинг ҳосилдор қатламини ювиб кетиши, фильтрланиб ер остига сингиши оқибатида ер ости сувлари сатҳига, уларнинг минералогик таркибиға салбий таъсир қилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун қуйидагилар бажарилиши керак:

1. сув узатиш тармоғини барпо қилишда ишлатиладиган қувурлар ва санитар-техник қисмлар (запорная арматура, вантуз, клапан ва х.к.), ҳамда ўлчов асблобари тайёрлов корхонаси томонидан берилган техник паспорт ёки сифат кўрсаткичлари сертификатига эга бўлиши керак;

2. сув узатиш тармоғи бир нечта таъмир участкаларига ажратилади. Ҳар бир таъмир участкасиниг узунлиги 10-15км бўлиб, уларнинг ҳар бирида сув тўсқич арматураси ҳамда таъмирлаш чоғида, қувурларни ювиб тозалаш пайтида тармоқнинг шу қисмидаги сувни коллектор дренажга чиқариб ташловчи тарнов ўрнатилган қудуқ ёки маҳсус камера барпо қилиниши зарур;

3. сув узатиш тармоғининг автомобил йўллари ёхуд гидротехник иншоотлар-каналлар билан кесишган жойларида задвижжалар, вантуз ва чиқиқлар ўрнатилиб дюкерлар ёки «П» шаклидаги ўтиш жойлари ташкилланади.

4. «Фарғона» сув тақсимлаш тутунида ҳосил бўладиган оқава сувлар санитар ҳимоя зonasидан ташқари қурилган маҳсус чукурликка чиқариб йиғилиши ва у ердан вақти-вақти билан маҳсус автомашиналар ёрдамида белгиланган оқава сувларни тозалаш иншоотларига элтиб ташланиши зарур.


Махсус чуқурликнинг деворлари ва поли сув ўтказмайдиган тузилмага эга бўлиши шарт.

5. «Пакана» сув тақсимлаш пунктида ички канализация тармоғи барпо қилиниши ва у марказлашган шаҳар канализация тармоғига уланиши лозим.

6. лойихаланаётган сув иншоотлари ва ёрдамчи биноларга ўрнатилган техник жиҳозларни кузатиб бориш, уларнинг техник холатини назорат қилиш ҳамда зарур ҳолларда уларни таъмирлаш ёки алмаштириш учун қулай шароитлар яратилиши керак.

№	Кўрсаткичлар сони	Ўлчов бирлиги	2007й.	2008й.	2009й.
1	Олингандан сув	минг м <sup>3</sup> /йил	48391	51600	47911
2	Сув хавзаларини ишлаб чиқариш куввати	минг м <sup>3</sup> /сут	292,0	292,0	292,0
3	Тармоқка узатилган сув миқдори	минг м <sup>3</sup> /йил	48391	51600	47911
4	Фойдаланилган сув миқдори	минг м <sup>3</sup> /йил	28375	27566	25691
5	шу жумладан, ахоли	минг м <sup>3</sup> /йил	20101	18946	18915
6	бюджет ташкилотлари	минг м <sup>3</sup> /йил	5722	5595	3946
7	бошқа фойдаланувчилар	минг м <sup>3</sup> /йил	2552	3025	2830
8	Ичимлик сувининг йўқотилиши	%	41,36	46,58	46,38
9	Ахолининг марказлашган сув билан таъминланганлик даражаси	%	97,7	97,7	97,7
10	Даромад				
11	Сарф-ҳаражат	минг сўм	1803242	2272464	2785326
12	Фойда (зарар)	минг сўм	-309980	-349438	-493871
13	Таннарх, м <sup>3</sup> сув	сўм	63,55	82,44	108,42
14	Ўртacha таъриф, 1м <sup>3</sup>	сўм	52,15	66,68	85,26
15	ахоли учун	сўм	47,67	60,95	78,83
16	бюджет ташкилотлари учун	сўм	48,91	60,57	78,46
18	бошқа фодаланувчилар учун	сўм	94,75	113,84	137,72

Лойихада Фарғона регионасида яшовчи ахоли сонидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир кишининг ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадларида сувга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, шу билан биргаликда ишлаб чиқариш корхоналари ва бошгқа турдаги муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилувчи ишчи-хизматчиларнинг ичимлик ва хўжалик-маиший мақсадлардаги сувга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб амалдаги меъёрларга мувофиқ ичимлик сувига бўлган умумий эҳтиёж ҳисоблаб топилган. Назаримда бундай ҳисоб-китоблар ҳақиқатдан бир оз йироқдир. Чунки ахолининг иш билан банд қисми учун ҳам яшаш жойида, ҳам иш жойида истеъмолчи тарзида ҳисобга олиниши тўғри эмас.



Чунки, ишчи-хизматчи ишдаги 8-10 соат вақтда яшаш жойида бўлмайди ва сув истеъмол қилиш фақат иш жойида бўлади. Агар суткада 24 соат, иш вақти ўртача 8 соат деб ҳисобласак (33%) демак иш билан банд аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини 25-30% га камайтирган холда лойихага киритиш мақсадга мувоффикдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Mukhtorov, S. S. ugli, & Rustamova, M. M. (2022). IMPROVING THE STRENGTH OF DETAILS BY CHROMING THE SURFACES. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 488–496. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/814>
2. Mukhtorov, S. S. ugli, & Rustamova, M. M. (2022). AN ANALYSIS OF THE IMPACT OF CONFIDENCE ON THE RELIABILITY OF EARTHQUAKE DETECTION UNDERGROUND. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 480–487. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/813>
3. Абдуллаева , Д. Т., & Мухторов, Ш. С. ў. (2023). АВТОМАТИК БОШКАРИШ ТИЗИМЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 2(5), 373–378. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/3154>

4. Мухторов, Ш. С. ў., & Махмудов , А. А. (2023). КОЛОСНИКЛИ ПАНЖАРАНИНГ ТОЛА АЖРАТИШ ЖАРАЁНИ РДБ БОШҚАРИШ ДАСТГОХЛАРИГА ЎТКАЗИШ. Educational Research in Universal Sciences, 2(5), 379–385. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/3155>
5. Срожидинов , Ж. Р. ў., & Мухторов, Ш. С. ў. (2023). АВТОМАТЛАШТИРИШ СИСТЕМАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА БОШҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 2(5), 363–367. Retrieved from
6. Xusanboyev, A., & Muxtorov, S. (2022). NOSOZLIKlar SONINI TAQSIMLASH VA KANALIZATSIYA TARMOQLARI ELEMENTLARINI TIKLASH MUDDATI. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 617–625. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/831>  
<http://erus.uz/index.php/er/article/view/3152>
7. Khusanboyev, A., & Mukhtorov, S. (2022). IMPROVING THE STRENGTH OF DETAILS BY CHROMING THE SURFACES. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 626–634. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/832>
8. Toshkoziyeva, Z., & Muxtorov, S. (2022). DESIGN ANALYSIS FOR THE PRODUCTION OF PLATE HANDLES FOR CAR WINDSHIELDS. Journal of Integrated Education and Research, 1(1), 164–172. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/34>